ТАЛАБЛАРНИНГ КРЕАТИВЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ФАОЛИЯТ ВА ТАСАВВУР ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЎРНИ

Абдулатиф Абдубаннон ўғли Маликзода
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети

АННОТАЦИЯ

Талабаларни креативликка ўргатиш – таълим олувчилар учун ажойиб маҳсулотни юзага келтиришда, педагогик вазифаларни ҳал қилишнинг осон бўлмаган ёки бир қолипдаги ғояларини яратишга эришиш демакдир. Ушбу мақолада талабаларни креативлигини ривожлантиришга хизмат қилувчи методикалар ҳақида баён этилган.

Калит сўзлар: креативлик, ижодкорлик, тафаккур, тасаввур, ижод, талаба.

THE ROLE OF ACTIVITY AND IMAGINATION PROCESSES IN DEVELOPING REQUIREMENTS CREATIVITY

Abdulatif Abdubannon ogli Malikzoda
National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

ABSTRACT

Teaching students to creativity means achieving the creation of ideas that are not easy to solve pedagogical tasks or in one mould, while generating a wonderful product for educators. This article describes the methods that serve to develop the creativity of students.

Keywords: creativity, thinking, imagination, student.

КИРИШ

Маълумки жамият ва табиат ўртасидаги мунасабатларнинг тадбиқ этишга мўлжалланган фанлардан биттаси психология ҳисобланади. Психологик билимларни ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида татбиқ етиш кўлами кенгайиб бориши унинг масъулияти ва нуфузи ортаётганлигидан далолат беради. Шу боис психолог мутахасисларга нисбатан ижтимоий буюртманинг кўпайиши уларни ҳозирги замон талабига жавоб берадиган даражада тарбиялашни тақазо етмоқда. Шахс тарбияси, унинг ижтимоий-психологик камолоти ҳар қандай давлатнинг бош стратегик масалаларидан биридир. Чунки,

шахсни маълум эзгу ғоялар, ижтимоий-психологик ва юксак интеллектуал талаблар асосида тарбияламай туриб ҳар жиҳатдан камол топишга қодир жамиятни қуриб бўлмайди. Зеро, бу жараёнда энг аввало таълим-тарбия тизими, унинг мазмун-моҳияти, таълим тизимини такомиллаштиришга хизмат қилувчи психологик тамойиллар муҳим аҳамият касб этади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Психологларнинг фикрича, ижодкор шахсга хос хусусиятлар борасидаги билимларимиз тўлиқ эмаслиги билан фарқ қилади. Бу жиҳатларни синтез қилишга уриниш ҳолатлари ҳам йўқ эмас. Андерсон ва Тейлор ижодининг классик психологлар томонидан тузилган ижодий ҳаракатлар учун зарур психологик жиҳатлари ва қобилиятлари рўйхати бунга мисол бўла олади.

Назарий таҳлилларга кўра “ижодкорлик” терминининг ўзи илк бор XVII асрда санъат соҳасида инсон фаолиятини белгилаш мақсадида қўлланилган.

Сўнгги пайтларда “ижодкорлик” тушунчаси билан биргаликда “креативлик” атамаси ҳам кенг қўлланилмоқда. Узоқ вақтлар давомида ижод – инсонга табиат инъом этган ноёб қобилият, у ҳар кимга ҳам берилмайди, деб ҳисоблаб келинган. Аслида ижод инсоннинг моддий ва маънавий бойликларни яратиш фаолияти бўлиб, унда инсон тафаккури, хотираси, тасаввури, диққати ва иродаси фаол иштирок этади ҳамда унда бутун билими, тажрибаси ва истеъдоди намоѐн бўлади” [3; 17 б].

Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида ижод – яратиш, кашф этиш; вужудга келтириш маъноларини англатиб, бадиий, илмий, санъатга оид асар ѐки моддий бойлик яратиш, вужудга келтириш; яратувчилик фаолияти ҳамда яратувчилик фаолияти маҳсули, самараси эканлиги қайд этиб ўтилган [4; 176 б].

“Маънавият: асосий тушунчалар” изоҳли луғатида эса мазкур тушунчага қуйидагича таъриф берилган: “Ижод (араб. Яратиш, кашф этиш, вужудга келтириш) – бадиий, илмий, амалий асар ѐки моддий бойликни яратиш, вужудга келтириш. Ижод моҳиятан яратувчанлик фаолияти бўлиб, инсон маънавиятининг амалдаги кўринишини ифода этади” [1; 185 б].

Бу жараённинг кенг кўламда амалга оширилиши учун эса энг аввало таълим тарбия билан шуғулланувчи барча ходимларга айниқса психологларга жуда катта маъсулият юклайди. Бунинг учун ҳар қайси ота–она, устоз ва мураббий ҳар бир бола тимсолида аввало шахсни кўриши зарур. Ана шу оддий талабдан келиб чиққан ҳолда, фарзандларимизни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил инсонлар етиб вояга етказиш

таълим – соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиши лозим, деб қабул қилишимиз керак. Табиийки, энг аввало ушбу вазифани бажаришни эса таълим тизимида таҳсил олаётган талабаларнинг бугунги замон талабларига жавоб бера олувчи ижодий изланувчи – психологик ҳолатига жиддий эътиборни қаратишдан бошлаш керак бўлади. Демак, таълим давридаёқ ҳар бир талаба шахсида ўқув фаолиятига бўлган фаол-ижобий муносабат мотивларининг етарли даражада шакллантириш билан боғлиқ ижтимоий-психологик омилларни тадқиқ қилиш масаласи бугунги таълим олдида турган муҳим вазифалардан бири бўлмоғи керак.

Шунингдек, энг аввало таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш билан бирга бу жараёнга нисбатан бугунги талабанинг муносабатларида турли хил ижтимоий-психологик омиллар таъсирининг ортиб бораётганлиги; таълим объекти, субъекти, ўқитувчи, талаба, гуруҳлар ўртасидаги муносабатлар мотивациясининг ўқув жараёнида тез-тез ўзгариб бораётганлиги таълим объектларида ўқув фаолияти ва ўқув фаоллигининг ўзаро мутаносиблигига жиддий эътибор қаратишнинг зарурлиги, ўқув фаоллиги доирасидаги муносабат талабанинг ижодий билим олишига таъсир этувчи, ташқи ва ички психологик омилларда кескин ўзгаришларнинг кузатилаётганлигидир. Талаба шахсида кечаётган ўз-ўзига, ўзгаларга ва фаолиятга бўлган муносабатлар иерархиясининг бевосита таълим самарадорлигига таъсирини ҳисобга олиш ва бу таъсир доирасида ҳар бир ўқувчи шахсини ўрганишга бўлган эҳтиёжларнинг тобора ортиб бораётганлиги каби ҳолатлар билан белгиланади ва баҳоланади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖА

Талаб шахсини ривожлантиришга йўналтирилган таълим жараёнида унинг ақлий-интеллектуал, ижодий хусусиятлари намоён бўлади. Бу борада, айниқса, таълим жараёнида талабаларнинг ижодий фаолиятини шакллантириш имкониятлари кенгроқдир. Бугунги кунда мустақиллик туфайли амалга оширилаётган таълим ислоҳотлари ўз ишига ижодий ёндашувчи, фан, техника, санъат, ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланишига ўз ҳиссасини қўшадиган юксак малакали кадрлар тайёрлашга боғлиқ. Шунга кўра, жамият тараққиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир талабани ижодкорлик руҳида тарбиялаш муҳим ва зарурдир.

Ижодкорлик фаолиятнинг турли ҳолатларида пайдо бўлади. Қизиқиш, илҳом, интилиш ва бошқалар ижодкорликнинг инсон онгида энг олий тарзда пайдо бўлишидан тортиб, то намоён бўлишигача жараённи ўз ичига олади.

Шахснинг ижодий фаолият эҳтиёжи унинг ҳаракатларида янги, илгари мақсад қилиб қўйилмаган бунёдкорлик интилишини билдиради.

Таълим-тарбия жараёнида талабалардаги яширин истеъдодларни юзага чиқариш, улардаги ижодкорлик қобилиятини ривожлантириш – келажакда юксак салоҳиятли, ижтимоий фаол, ўткир зеҳнли, кашфиётчилик қобилиятини намоён эта оладиган рақобатбардош кадрларни вояга етказиш гарови саналади. Бу давлатимизнинг устувор йўналишларидан бири – ҳар томонлама баркамол инсонни вояга етказиш ғоясига мос келади. Шахсда ижодкорлик қобилиятини шакллантиришнинг муҳим шарти шахснинг фаолияти ҳисобланади. Бу борада психолог олимларнинг билдирган назарий фикр ва ғояларини мисол қилиб келтириш мумкин. Ижодкор шахсни шакллантиришнинг муҳим шарти мақсадли педагогик бошқаришда қатнашувчи шахсни юқори даражадаги объектив ахборотлар билан таъминлаш ҳисобланади. Объектив ахборотгина мақсадга йўналтирилган фаолият учун ҳаракатлантирувчи восита бўла олади. Демак, шахснинг имкониятлари қанча ошиб борса, у фаолиятни шунчалик муваффақиятли даражада бажаради. Яъни иқтидорли, ҳар томонлама шаклланган ўқувчиларимиз осонлик билан ўз мақсадига етса, иқтидори етарли шаклланмаган ўқувчилар муваффақиятсизликларга дуч келади.

Ижодий тафаккурни ривожлантиришнинг усуллари сифатида бугунги кунда кўпгина муаллифлар таклиф этаётган услубий ечимларда когнитив ёндашув устуворлиги сезилади. Кўпчилик муаллифлар ижодий тафаккурни ривожлантиришнинг самарали усуллари сифатида креативлик асосини ташкил етувчи билиш жараёнлари (ижодий хаёл, танқидий тафаккур ва ҳ.к.)ни фаоллаштиришга мўлжалланган машқ ва топшириқлардан иборат методикаларни таклиф этадилар. Масалан, Е.П. Торренс томонидан ижодий тафаккурни ривожлантириш бўйича таклиф этилган методикада турли буюмларни ўзининг асл вазифасидан ташқари қандай мақсадларда ишлатилиши мумкинлиги юзасидан фикрлашга ундайдиган топшириқ берилади.

ХУЛОСА

Креативлик қобилиятини ривожлантириш воситаси сифатида қатор муаллифлар турли материаллар асосида ижодий хаёлни машқ қилдиришга мўлжалланган методикаларни таклиф этадилар. Жумладан, Е.П.Роговнинг амалий қўлланмаларида таклиф этилган, гуруҳий шаклда ўтказилиши кўзда тутилган машқларда, масалан, тренинг иштирокчиларидан бири қандайдир фантастик вазиятли савол (масалан, “Агар одамлар бир-бирининг фикрини ўқий оладиган бўлиб қолганда, Ердаги ҳаётда қандай ўзгаришлар рўй берар

эди?” деган савол)ни ўртага ташлаш, гуруҳнинг қолган аъзоларига ўзларининг имкон қадар ранг-баранг жавобларини шакллантириш вазифаси берилиши мумкин.

Ижод психологияси муаммоларини ўрганишда ўз илмий мактабини яратган етакчи олимлардан бири Я.А.Пономарев ҳам тафаккур креативлигини ривожлантиришнинг методик имкониятларини аниқлаш йўналишида ўз ёндашувига эга. Хусусан, олимнинг тадқиқотларида тўққиз катакли (3х3) шахмат доскасининг турли қисмларида жойлаштирилган от билан ўйин қоидаларини бузмаган ҳолда бошқа бир катакка қўйилган пиёдани олишга қаратилган ҳаракатларни аниқлаш машқидан ҳам диагностик, ҳам ривожлантирувчи мақсадда фойдаланиш ҳолатлари қайд этилади.

REFERENCES

1. Kaldibayeva, D. O. (2020). Talabalarning mantiqiy tafakkurini shakllantirishning pedagogik omillari. Science and Education, 1(3).
2. Тангирова, Г. И. (2020). Интерактивное образование и его дидактические возможности. Science and Education, 1(3).
3. Халилова, М. А., & Мухитдинова, М. (2020). Мактабгача таълим ташкилотларида ахборот-компьютер технологияларини мусиқа тарбияси воситаси сифатида қўллашнинг хусусиятлари. Халқ таълими, 3(0056), 4.
4. Абдусаматова, Ш. С., & Бурханова, М. Б. (2020). Кўп фарзандли ота-оналарининг оиладаги муносабатларининг хусусиятлари. Oriental Art and Culture, (4).
5. Mirzarahimova, G. I. (2020). Pedagogical and Psychological Bases of Development of Educational Activity in Students. International Journal of Advanced Science and Technology, 7021-7030.
6. Ramonova, S. K. (2020). The importance of information technology in teaching the basics of electrical engineering and the basics of electronics in higher military educational institutions. НамДУ илмий ахборотномаси, (4), 435-438.
7. Рамонова, С. К. (2020). Электротехника ва электроника асослари фанини ўқишни ахборот-коммуникацион технологиялари ёрдамида такомиллаштириш методлари. Science and Education, 1(4), 315-321.
8. Рамонова, С. К. (2020). “Электротехника ва электроника асослари” фанини ўқитишда ахборот технологиялардан фойдаланишнинг методлари. “Таълимда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишнинг инновацион усуллари”, 384-387.
9. Қораев, С. Б. (2020). Профессионал таълимда ўқув амалиётларини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари. Academic research in educational sciences, 1(3).
10. Shagiyeva, N. (2020). The role of information technologies to teach Russian language. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 8(7).

11. Эшманова, Н. Н., & Матьякубова, М. Б. (2019). Тарбиячиларнинг касбий компетенцияларини ривожлантириш. Таълимдаги инновациялар ва ислоҳотлар контекстида замонавий кластер тизими:муаммолар,ёндашувлар ва истиқболлар, 1, 33-34.
12. Махкамова, Ш. Р., & Асадуллаева, М. А. (2020). «Великий шёлковый путь»: взаимодействие культур запада и востока в контексте проблемы модернизации музыкального образования в узбекистане. Science and Education, 1(4).
13. Бегматов, Б. Б. (2020). Роль и функции русского языка в условиях суверенного Узбекистана. Наука и общество, 1(65), 33-37.
14. Ражапова, И. Т. (2019). Методика обучения видам русского глаголав. Илм сарчашмалари.
15. Рустамова, С. Э. (2020). Применение технологии полного усвоения знаний в высшем образовательном учреждении. Academic Research in Educational Sciences, 1 (3), 360-368.
16. Khoshimova, D. R. (2020). Features of Improvement Sensate – Expressive Speech While Teaching Listening Students Applying Mnemonic Base. Eastern European Scientific Journal, (1), 158-161.
17. Бадалова, Б. Т. (2020). Таълим тизими ва педалогия назарияси. Academic Research in Educational Sciences, 1 (3), 1300-1305.
18. Утаев, А. Й., & Матьякубова, М. Б. (2019). Психологические основы развития речи. “Таълимдаги инновациялар ва ислоҳотлар контекстида замонавий кластер тизими: муаммолар, ёндашувлар ва истиқболлар” мавзусидаги илмий-амалий анжуман, 1, 193-194.
19. Ўтаев, А. Й. (2019). Бўлажак ўқитувчилар сиёсий маданиятини шаклантиришнинг кластер тизими. "Таълимдаги инновациялар ва ислоҳотлар контекстида замонавий кластер тизими: муаммолар, ёндашувлар ва истиқболлар" мавзусидаги илмий-амалий анжуман илмий ишлар тўплами, 2, 50-53.
20. Ўтаев, А., & Норова, Н. (2019). Олий педагогик таълим муассаларида норматив – ҳуқуқиий ҳужжатлар тарғиботини ташкил этиш. "Таълимдаги инновациялар ва ислоҳотлар контекстида замонавий кластер тизими: муаммолар, ёндашувлар ва истиқболлар" мавзусидаги илмий-амалий анжуман илмий ишлар тўплами, 2, 48-50.
21. Badalova, B. (2020). Lesson Competition Element in Russian. EPRA International Journal of Multidisciplinary Research, 6(5), 535-537.
22. Barakaevich, K. S. (2020). Improvement of Vocational Training of Pupils in Secondary Schools. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, 24(1).
23. Қораев, С., & Тилакова, М. (2020). Ўқувчилар креативлик қобилиятларини ривожлантириш бўйича тавсиялар. Academic Research in Educational Sciences, 1(4), 184-189.
24. Ramonova, S. K. (2020). Improvement in teaching of the discipline of electrical engineering and the basis of electronics in higher educational institutions based on

information technologies. International Journal of Innovations in Engineering Research and Technology, 7(5), 258-260.
25. Умарова, Н. Ш. (2019). Экономическая социализация личности в контексте возрастных периодов. Вестник науки и образования, (22-3 (76)).
26. Umarova, N. (2020). The Theoretical And Practical Model Of Making A Person Socializing Economically. The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2(08), 62-68.
27. Умарова, Н. Ш. (2020). Иқтисодий ижтимоийлашув жараёнига таъсир қилувчи омилларнинг мотивацион-қадриятли тузилмаси (ўспиринлар мисолида). Academic Research in Educational Sciences, 1(2), 259-277.